O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 15 июнь, № 114 (3913) Пайшанба

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан қуйидаги фикрларни баён этди.

**Ислом КАРИМОВ:**

## «ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ, ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВА УСТУВОР МАСАЛА»

— Маълумки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти бундан беш йил муқаддам айнан мана шу шаҳарда ташкил топган эди. Шу фактни инобатга оладиган бўлсак, мазкур учрашув, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос юбилей кенгашининг Шанхай шаҳрида ўтказилиши алоҳида рамзий маънога эга эканини тушуниш қийин эмас, албатта.

Бугунги кунда дунёда ва минтақада катта нуфуз ва салоҳиятга эга бир қатор давлатлар аъзо бўлган ушбу ташкилотнинг навбатдаги саммитига тайёргарлик жараёнининг ўзи жаҳон жамоатчилигининг қизиқиши ва эътиборини тортмоқда. Бу эса учрашув давомида халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар муҳокама этилишидан далолат беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Табиийки, бундай қизиқишнинг муайян сабаблари бор. Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тарихан қисқа бир муддатда нафақат шаклланиш ва тараққиёт жараёнини босиб ўтганини, балки бир ярим миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, сиёсий, иқтисодий ва социал-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ҳар томонлама қодир бўлган халқаро ташкилот сифатида ўзини намоён қилаётганини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда бу ташкилотнинг сиёсий нуфузи тобора мустаҳкамланмоқда, унинг фаолиятида иштирок этиш истагини билдираётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда.

Бу галги учрашувда ташкилотга аъзо бўлган Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг раҳбарлари билан биргаликда тўртта кузатувчи мамлакат — Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистон вакиллари иштирок этиши кутилаётгани ҳам шуни кўрсатади, деди Ислом Каримов.

Олий даражадаги бу учрашувда 15 та ҳужжат имзоланиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг беш йиллиги муносабати билан декларация, халқаро информацион хавфсизлик тўғрисида баёнот, ташкилотга аъзо давлатлар томонидан халқаро терроризмга қарши биргаликда ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиш тартиби ҳақидаги битим, таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома, Ишбилармонлик кенгашининг фаолияти, иқтисодий, молиявий ва банк тизимлари фаолияти ҳақидаги ҳужжатларнинг қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

Айниқса, бўлиб ўтадиган учрашувда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизга таҳдид соладиган ҳар қандай хавф-хатарларга йўл қўймаслик, иқтисодий ва молиявий, жумладан, инвестицион ҳамкорликни янада кенгайтириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, ташкилотга аъзо давлатлар жойлашган минтақанинг бой сув- энергетика захираларидан, ер усти ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган масалаларни муҳокама қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу ташкилот иштирокчиси бўлган давлатларнинг иқтисодий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатадиган соҳалар — коммуникация ва информация тармоқларини, темир йўл, автомобиль йўлларини барпо этиш бўйича лойиҳаларни муҳокама қилиш, шунингдек, баъзи ташкилий-институционал масалалар ҳам кун тартибига киритилган. Айни пайтда ташкилотнинг Саноатчилар ва ишбилармонлар форуми, Банклараро бирлашма, Тараққиёт фонди каби тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш сингари масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинади.

Ўйлайманки, бу масалалар бўйича қабул қилинадиган қарорлар минтақамизда жойлашган барча давлатларни ижтимоий жиҳатдан янада ривожлантириш, мавжуд улкан салоҳият ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўлида янги имкониятлар очиб беради.

Келгусида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида гапирганда, мен қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур деб биламан, деб фикрини давом эттирди Президентимиз.

Биринчидан, бошқа барча ҳаётий масалаларнинг негизини белгилаб берадиган минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва экстремизм, сепаратизм, наркотрафик каби замонавий таҳдидларга қарши кураш масаласи бундан буён ҳам ШҲТнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси бўлиб қолиши лозим.

Бу мақсадга эришиш учун, авваламбор, мазкур ташкилотга аъзо бўлган барча давлатларнинг мавжуд хавф-хатарларни ягона принциплар асосида, бир кўз билан қараши ва баҳолаши талаб этилади.

Иккинчидан, мана шундай таҳдидларнинг олдини олишда минтақамизга, миллионлаб одамларнинг ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган ёвуз кучларнинг фаолиятини нафақат тўғри баҳолаш, балки уларга қарши бир ёқадан бош чиқариб биргаликда курашиш, ташкилотга аъзо бўлган ҳеч бир давлатда қўпорувчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик, барча куч ва имкониятларни шу мақсадда бирлаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Энг муҳими, бундай террорчилик хуружлари, айтайлик, бир давлат ҳудудида содир этилганда, ШҲТга аъзо бошқа бир давлатнинг, бу офат бизни четлаб ўтади, биз фақат транзит мамлакатмиз ёки халифалик тузумини ўрнатиш даъвоси фақат Фарғона водийсига тегишли, деган мазмундаги сохта қарашлар билан ёндашуви мутлақо номақбул бўлиб, бундай позицияни умуман оқлаб ва қабул қилиб бўлмайди.

Ана шундай хавф-хатарларга қарши фақат биргаликда изчиллик ва қатъият билан кураш олиб борилган тақдирдагина бундай ҳамкорлик ижобий натижа бериши мумкин.

Учинчидан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни ечишда мазкур ташкилот ва унга аъзо бўлган давлатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳити мавжуд бўлгандагина қабул қилинадиган қарорларнинг самараси ва таъсирини амалда сезиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимизнинг "Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар", деган мақолида чуқур маъно бор, деб ўйлайман, деди давлатимиз раҳбари.

Тўртинчидан, маълумки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўз сафида ҳудуди, аҳолиси ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан турлича мавқега эга бўлган давлатларни бирлаштиради. Албатта, ушбу давлатларнинг барчаси ҳам бу ташкилот доирасида ўз миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда сиёсат олиб боришга интилади. Мана шундай нозик вазиятда ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш учун аввало нима керак, деган саволга, мен халқаро дипломатия тилида кенг қўлланадиган манфаатлар баланси, таъбир жоиз бўлса, манфаатлар мувозанати, деган мезонни доимо сақлаш, унга риоя қилиш ва бу масалани эътибор марказида тутиш керак, деб жавоб берган бўлардим.

Ишончим комилки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммити мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивлик ва прагматизм каби асосий тамойилларга асосланган ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини чуқурлаштиришга хизмат қилади, хавфсизликни таъминлаш масалаларини ечиш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халқларимизнинг фаровонлигини оширишда мустаҳкам пойдевор яратади.

**(ЎзА).**

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХУ ЦЗИНЬТАО БИЛАН УЧРАШУВИ



СУРАТДА: учрашув пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

***Шанхай, 14 июнь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).***

Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига етиб келди.

Хитой Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитига катта тайёргарлик кўргани яққол кўриниб турибди. Кўчалар, майдону хиёбонлар ШҲТнинг эмблемаси, ташкилотга аъзо давлатларнинг байроқлари, қутлов сўзлари битилган шиорлар билан безатилган. 15 июнь куни бу ерда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммити бўлиб ўтади. Шанхай Катта театрида ташкилотга аъзо мамлакатлар санъат усталарининг концерти ташкил қилинади. Унда Ўзбекистондан ҳам санъаткорлар иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг Хитойга 2005 йилги давлат ташрифи асносида эришилган келишувлар, хусусан, Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисида имзоланган давлатлараро шартнома ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Хитойни ишончли дўст ва яқин ҳамкор давлат деб билишини, у билан муносабатларни қадрлашини, расмий Пекиннинг икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириб, нуфузини ошириш борасидаги таклифларини юксак баҳолашини қайд этди.

Ху Цзиньтао Хитой Ўзбекистонга Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи давлат сифатида қарашини таъкидлади. ХХР Раисининг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро геосиёсатдаги стратегик аҳамияти, улкан иқтисодий салоҳияти, хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй- ҳаракат ва ташаббуслари Хитой томонининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқишини янада оширмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига, ШҲТни янада ривожлантиришга, томонларни қизиқтирган минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шу куни ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг бугун таъсис этилган Ишбилармонлар кенгаши вакиллари билан учрашди. Давлат раҳбарлари мазкур кенгашнинг ташкил этилишини маъқулладилар ва ишбилармонларни ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга чақирдилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, инвестициявий дастурлар ва давлатлараро савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид масалалардаги ҳуқуқий асосни ўзаро уйғунлаштирмасдан туриб, биз кўзлаган мақсадларимизга етишимиз мушкул, деб алоҳида таъкидлади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институтини ташкил қилиш тўғрисида

Мамлакатда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни илмий-техникавий жиҳатдан ва лойиҳалар билан таъминлашни мувофиқлаштиришни кучайтириш, республика иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини юқори даражада тайёрлаш ва уни сифатли амалга ошириш мақсадида:

1.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган иқтисодиётнинг базавий тармоқлари саноат объектларини қуриш, модернизациялаш ва реконструкция қилишнинг техник-иқтисодий асослари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институти — «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» ташкил қилинсин.

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти зиммасига иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳалаш ишларини ўтказишда бош пудратчи функцияси юклансин.

3.Қуйидагилар «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

саноатнинг базавий тармоқларини таркибий ўзгартириш, электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат йирик объектларини модернизациялаш ва техник реконструкция қилиш концепциясини ишлаб чиқиш;

инвестиция лойиҳаларининг техник иқтисодий асосларини аниқ ишлаб чиқиш учун субпудратчилар сифатида мамлакатимиз ва хорижий ихтисослаштирилган лойиҳа институтларини, шунингдек етакчи мутахассисларни танлов (тендер) асосида жалб этиш, уларнинг ишини мувофиқлаштириш; Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек жалб этилган хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган иқтисодиёт базавий тармоқларининг стратегик муҳим корхоналарини қуриш ва модернизациялаш бўйича тақдим этилган инвестиция лойиҳалари ва техник-иқтисодий асосланишини экспертизадан ўтказиш ҳамда уларни танлаб олишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишдан бошлаб то уларни амалга оширгунга қадар мониторинг қилиш ва техник жиҳатдан таъминлаш.

4.Қуйидагилар белгилансин: «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ҳисобот берадиган мустақил ташкилот ҳисобланади; лойиҳани ишлаб чиқиш учун ҳам, уни тўла ниҳоясига етказгунгача техник таъминотнинг ташкил этилиши учун ҳам масъул бўлган лойиҳа бош муҳандислари (ЛБМ) томонидан раҳбарлик қилинадиган тармоқ бюролари «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институтининг асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади;

ЛБМлар бюросини юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш институтнинг истиқболдаги ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти Илмий-техника кенгашининг ижобий хулосасидан кейингина белгиланган тартибда вакил қилинган органларга экспертизадан ўтказиш учун киритилади;

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти Илмий-техника кенгаши аъзоларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти, шунингдек бошқа лойиҳа институтларининг етакчи мутахассисларидан тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳайъати томонидан тасдиқланади.

5.Қуйидагилар: ходимлар умумий чекланган сони 153 нафар, шу жумладан ишлаб чиқариш-бошқарув ходимлари сони 115 нафардан иборат бўлган «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти тузилмаси 1-иловага мувофиқ; Лойиҳа бош муҳандиси бюросининг намунавий тузилмаси 2- иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг ўринбосари ҳисобланади.

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти директорига иқтисодиёт вазири билан келишилган ҳолда, тасдиқланган лавозимлар сони доирасида, институт таркибига зарур ҳолларда ўзгартишлар киритиш ва ходимлар сонини унинг таркибий бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Институт ходимлари таркибини шакллантириш аниқ лойиҳа топшириқлари олинишига қараб амалга оширилсин.

6.Қуйидагилар «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институтини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: инвестиция лойиҳалари буюртмачиларининг шартнома асосида ТИАни ишлаб чиқишга ажратилган маблағлари, лойиҳа-қидирув ва лойиҳа ишларини бажариш, лойиҳалар амалга оширилишини техник жиҳатдан таъминлаш;

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институтининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда шахсий фаолияти натижасида олинган даромадлари;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларининг грантлари;

етишмаётган қисмида — давлат бюджети маблағлари.

7. «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти 2010 йилнинг 1 январигача барча солиқ турларидан, йиғимлар, божлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ва ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

8.Қуйидагилар белгилансин: «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти ходимларига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш, моддий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари татбиқ этилади; «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти ходимларига институт директорининг буйруғи билан устав фаолиятидан олинган даромадлар ҳамда ажратилган мақсадли бюджет маблағлари доирасида иш ҳақига ойлик устама ҳақ белгиланиши мумкин.

9.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

10.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 июнь.

**Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан**

М.Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" драмаси асосида саҳналаштирилган спектакль премьераси бўлиб ўтди.

## «СОҲИБҚИРОН» – САҲНАДА

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб саҳнага қўйилган мазкур асарда Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ саҳналар орқали Ватан эрки, эл-юрт озодлиги йўлида ҳар қандай синовларга тайёр, фидойи инсон образи очиб берилган.

Режиссёр А.Абдуназаров саҳнага қўйган ушбу спектаклдаги Амир Темур ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Музаффар Тўрақулов ижро этмоқда.

**А.МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Хушхабар

## ДОҒИСТОНДА ЭРИШИЛГАН ҒАЛАБА

Спортнинг эркин кураш тури бўйича Доғистонда ўтказилган халқаро турнирда қорақалпоғистонлик икки нафар полвон совринли ўринларни қўлга киритди. Воис Тўлегенов турнир чемпиони бўлди. Фарҳод Ўразимбетов эса шоҳсупанинг учинчи поғонасини эгаллади.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Парламент ҳаёти

***Мамлакатимизда фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга оид қонунларни ишлаб чиқиш бугунги кун эҳтиёжидир. Зеро, ҳар бир соҳада қабул қилинаётган ҳужжатлар Ўзбекистоннинг кўп миллатли аҳолиси хоҳиш-иродасига, манфаатига тўла мос тушиши табиий. Акс ҳолда улар жамият манфаатларига кутилгандек хизмат қилмаслиги мумкин. Шу боис, юртимизда тиббий соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш бўйича изчил сиёсатни йўлга қўйиш, даволаш сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш масалаларини қонунлар мазмунига сингдириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мазкур соҳанинг моддий таъминоти давлат бюджети ҳисобига эмас, балки тиббий суғурта ҳамда ҳомийлар маблағлари билан бевосита амалга оширилади.***

# ТИББИЙ СУҒУРТА — САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

Тиббий суғурта, аввало, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига биноан, давлат ва аҳоли саломатлигини сақлашда тенг ҳуқуқли иштирокчи воситадир. Уни ташкил этиш борасида ҳар бир давлат ўзининг тарихий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос йўлни танлайди. Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида ҳам тиббий суғуртага ўтиш соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичларидан бири эканлиги таъкидланган. Табиийки, "Тиббий суғурта тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш айни долзарб масаладир.

Айтиш жоизки, тиббий суғурта ижтимоий суғуртанинг асосий тури бўлиб, суғуртавий ҳолатлар рўй берганида йиғилган маблағ эвазига фуқароларга тиббий ёрдам беришни кафолатлашга ва профилактик чораларни молиялаштиришга мўлжалланган. Унинг энг муҳим вазифалари суғурта қилинган фуқаролар соғлиғини сақлаш, улар саломатлигини қайта тиклаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Шу билан бирга, суғурта қилинган аҳоли ўз саломатлиги учун масъул бўлиб, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, профилактик тадбирларда ўз вақтида иштирок этиш, фаол даволаниш ва қайта тикланишга кўмаклашиш орқали, касаллик рўй беришига имкон бермаслик керак.

Ҳозир жаҳон соғлиқни сақлаш тизими амалиётида тиббий суғуртанинг бир қанча турлари мавжуд. Хусусан, ихтиёрий тиббий суғурта ижтимоий суғуртанинг таркибий қисми бўлиб, у жамоа ёки индивидуал тарзда амалга оширилиши мумкин. Бу мажбурий характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Мажбурий тиббий суғурта эса жисмоний шахсларга бепул тиббий хизмат олиш учун тенг имкониятни таъминлайди.

Тиббий суғуртанинг Ўзбекистон Республикасида жорий этилаётган миллий модели қуйидаги асосий омиллардан, яъни, шахс (фуқаро ва унинг оила аъзолари) – бош субъект ва тиббий суғурта объекти, хусусан, давлат, суғуртачилар, тиббий суғурта фондлари (республика, вилоятлар ва ҳоказо), суғурта компаниялари, тиббий хизматни таъминловчилардан ташкил топади. Албатта, унинг ҳар бир бўғини ўзининг риоя қилиниши шарт бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга. Улардан айримлари хусусида тўхталадиган бўлсак, мажбурий тиббий суғуртанинг асосий вазифаси тиббий хизматни молиялаштиришни бошқариш, кўрсатиладиган хизмат сифатини таъминлаш, аҳолининг барча қатламини максимал даражада мажбурий тиббий суғурта билан қамраб олиш ҳамда ижтимоий соҳани ислоҳ қилишда тизимли ёндошувга асосланган қонунчилик базасини яратишдан иборатдир.

Энди бевосита суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тўхталиб ўтайлик. У суғурта дастурига киритилган тиббий муассаса ва шифокорни танлаш, қанча маблағ тўлаганлигидан қатъи назар, белгиланган ҳажмда сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини кафолатлайдиган мажбурий тиббий суғурта қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида тиббий хизматдан фойдаланиш имтиёзига эга бўлади. Шунингдек, суғуртачи тиббиёт муассасаси томонидан ўзига зарар етказилса — шартномада бу ҳолат кўзда тутилмаган бўлса ҳам — ўша даволаш масканига айб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, у тиббий хизмат кўрсатиш тарифларини белгилашда иштирок этади, тиббий муассаса ёки шифокор айби билан етказилган жисмоний ёки маънавий зарарларни суд орқали ундириш, тиббий муассасанинг суғурта тўловини амалга оширишга оид ҳужжатларини, тиббий хизмат савияси, сифати, ҳажми ва ишончлилигини назорат қилиб бориш, суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш тўғрисидаги шартномаларни тузиш ҳуқуқларига эга бўлади.

Суғурта фондлари ўз ваколатлари доирасида мажбурий тиббий суғурта бўйича йиғилган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан назорат юритади ва бу борада бажарилиши шарт бўлган норматив ҳужжатларни қабул қилади. Республика суғурта фонди томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Адлия вазирлигида рўйхатга олиниши шарт.

Юқорида қайд этиб ўтилганларни таҳлил қилиш асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Тиббий суғуртани жорий этиш соғлиқни сақлаш тизимига бўлган муносабатни тубдан ўзгартиради. Шу билан бирга, фуқароларнинг суғуртани молиялаштириш юзасидан масъулияти ортади ва ўзаро ҳамкорлик вужудга келади. Жамоатчилик орасида тиббий суғуртанинг ошкоралиги вужудга келади ва тиббий суғурта тизимини давлат томонидан бошқаришга эришилади. Бундан ташқари, тизимда монополияга чек қўйилади, уни амалга оширувчилар орасида тиббий хизматлар бозори ва рақобат юзага келади. Бу эса, ўз-ўзидан, соғлиқни сақлаш тизимининг янада такомиллашувига, тиббий хизматлар сифатининг ошишига олиб келади. Қолаверса, тиббий суғуртани жорий қилиш қўшимча инновацияларни жалб этиш имкониятини яратади, аҳоли саломатлигини жаҳон андозаларига хос ва мос тарзда муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, профессор.**

# ВАТАН ИЧРА ВАТАН



*Айни кунларда маҳаллаларга ҳақиқий элбоши бўладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якуний босқичга кирди. Хусусан, Хоразм вилоятида ушбу тадбир уюшқоқлик билан ўтди. Бу ҳақда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Ғофуржон ЖУМАНИЁЗОВ бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Вилоятимиздаги мавжуд 675 та фуқаролар йиғини раислигига муқобиллик асосида ишчи гуруҳлари муносиб деб топган 2025 нафар номзод кўрсатилди, — дейди у. — Ҳозирги кунга қадар 673 та фуқаролар йиғинларида сайловлар бўлиб ўтди. Уларда жамоатчилик вакилларидан ташқари Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман кенгаши депутатлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳам қатнашиб, сайлов жараёнини кузатиб боришди.

## Фуқаролар йиғинларида сайлов

Шуни таъкидлаш лозимки, сайловларда фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳисоботи ва номзодларнинг фаолият дастурлари алоҳида эътибор билан тингланди. Икки ярим йил мобайнида қилинган ишлар батафсил, керак бўлса, изоҳу ҳисоб-китоби билан тушунтириб берилди. Зеро, амалга оширилган ишлар салмоқли. Вилоятда ўнлаб кўчалар, маҳаллалар ободонлаштирилди, янги гузарлар қурилди. Сув, газ қувурлари тортилди. Қувонарлиси, бундай бунёдкорлик ишлари кўп ҳолларда ҳашар йўли билан, ҳомийлар кўмагида амалга оширилди. Булардан ташқари, маърифий-тарбиявий ишларни яхшилаш, оилаларни мустаҳкамлаш, тўй-маросимларни тартибга солиш, вояга етмаган ёшлар ўртасида тарбиявий иш олиб бориш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ижтимоий муҳтож оилаларга, якка-ёлғиз қарияларга, ногиронларга ғамхўрлик қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинган. Эндиликда ҳамма хурсандчилигию ташвишларини ўртоқлашгани оқсоқол ҳузурига борадиган бўлишди ва муаммолар жойида муҳокама қилиниб, шу ерда ечимини топаяпти.

Оқсоқол ҳамиша халқ билан ҳамнафас бўлгандагина маҳалладошлари уни тан олади. Зеро, оқсоқол деган сўзнинг замирида катта маъно бор, ахир. У элнинг ташвиши билан яшайди, одамларга ҳамнафас, ҳамдард. Оқсоқол маҳалладаги барча оилалардаги муҳитни, одамларнинг яшаш тарзини беш бармоғидек билиши шарт. Айни кунларда ана шу оқсоқолларнинг маҳалла-кўйдаги обрў-эътибори, мавқеи, нуфузи баҳоланмоқда. Оқил оқсоқолларнинг меҳнати, қилган ишлари қадрини топаяпти. Вилоятда шу кунгача сайланган 673 нафар фуқаролар йиғини раисларининг 448 нафари қайта сайланди. Шунингдек, 3373 нафар йиғин раиси маслаҳатчилари ҳам қайта сайланди. Уларнинг сафи 5406 нафар кишини ташкил этади. Кўриниб турибдики, маҳалла-кўй тарози тошини тўғри қўяди, адашмайди.

Номзодларни танлашда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликка эмас, аксинча номзоди кўрсатилган кишининг жамиятда тутган ўрнига, обрў-эътиборига, халқ иши учун нечоғлик қайишишига эътибор қаратилди. Комиссиямиз зиммасига юклатилган вазифалардан бири ҳам шу — номзодларни ҳар томонлама пухта ўрганиш, илгари ишлаб келганларнинг фаолиятига холис баҳо беришни ташкил этиш ва тавсиялар беришдан иборат. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, вилоят аҳли ушбу сайловларга шунчаки бир тадбир эмас, балки жамиятимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа сифатида, чуқур масъулият ҳисси билан ёндашди. Биз халқ ишончини оқлайдиган номзодлар сайланишига кўмаклашдик, холос.

Вилоятда фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари юқори савияда, уюшқоқлик билан якунланяпти. Демак, маҳаллаларда бошланган ижобий ишлар давом эттирилади. Эл-юрт ишончини оқлаш йўлида халқимизга таянган, суянган ҳолда астойдил ишлайдиган оқсоқоллар етакчилик қиладиган Ватан ичидаги ватан янада обод бўлиб гуллаб-яшнайверади.

**"Халқ сўзи" мухбири Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.**

***Тошкент шаҳар болалар клиник шифохонасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 12,6 миллион АҚШ долларига тенг тиббий ускуналар ва дори-дармонлар топшириш маросими бўлиб ўтди.***

## Савоб иш

Дори-дармонлар ва ускуналар мамлакатимиздаги «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ҳамда «ХОУП лойиҳаси» ҳамкорлигида мамлакатимизга келтирилди.

Мазкур беғараз ёрдам Тошкент шаҳри, Навоий, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидаги шифохоналарга тарқатилади.

Маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жон Пурнелл, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Абдуҳаким Ҳожибоев, «Зарафшон-Ньюмонт» ҚКнинг ташқи алоқалар бўйича директори Баҳром Салоҳитдинов ҳамда «Проект ХОУП» ташкилотининг минтақавий директори Дуглас Палмерлар иштирок этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## Муаллимлик — олий касб



*Тажрибали педогоглар Наргиза Умарова ва Гулбаҳор Суярова Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейида тарих, она тили ва адабиёт фанларидан сабоқ беришади.*

*— Давлатимиз раҳбарияти томонидан биз, устоз-мураббийларга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Н. Умарова. — Албатта, ана шу ғамхўрликдан руҳланиб, ёшларга чуқур билим берибгина қолмай, уларнинг келажакда комил инсон бўлиб етишишлари учун бор маҳоратимизни сарф қилаяпмиз.*

*Таъкидлаш жоизки, ушбу лицейда 800 нафардан зиёд ўқувчи илм сирларини ўрганмоқда. Мазкур ўқув масканида турли тадбирлар ўтказиб келинади. Яқинда ташкил этилган шанбаликда ҳам ўқитувчилар ва ўқувчилар кенг кўламдаги ободончилик ишларини бажардилар.*

**СУРАТДА: Г.Суярова ва Н. Умарова ўқувчилар билан суҳбатлашмоқда.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

# Донор — халоскор демак

***Миллий матбуот марказида Халқаро донорлар кунига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

Маълумки, дунёда миллионлаб инсонларнинг ҳаёти, айнан холисона, бадалсиз қон топширувчилар — донорларнинг қони эвазига сақлаб қолинади. Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда тиббий муассасаларнинг қон ва унинг таркибий қисмларига бўлган эҳтиёжи узлуксиз ўсиб бормоқда. Бу эса қон тизимининг хавфли ўсма касалликлари, қон ивишининг наслий бузилишлари ва турли хил анемия касалликларига чалинган беморлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқдир.

Бугунги кунда республикамизда 21 қон қуйиш станцияси ва 239 та қон қуйиш бўлимлари мавжуд бўлиб, унда 469 нафар врач ва 1110 нафар тиббий ходим ишлайди. Беморлар ҳаётини сақлаб қолиш учун йиғилган қон ва унинг таркибий қисмлари айнан шу ходимлар туфайли хавфсиз ҳамда қўллаш учун яроқли ҳолга келтирилмоқда.

Брифингда Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти мутахассисларининг донорлик, қон ва унинг таркибий қисмлари борасидаги муаммо ва вазифалар хусусидаги маърузалари тингланди.

**Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.**

**Газетада босилмади, аммо...**

## Шикоятга ўрин қолмади

Иштихон туманининг «Туркистон» ширкат хўжалигига қарашли Минглар қишлоғида яшовчи фуқаро Г.Ҳусанов иш ҳақини ололмаётгани юзасидан таҳририятга шикоят хати йўллаган эди. Мазкур ариза туман ҳокимлиги мутахассислари томонидан муаллиф иштирокида ўрганилганлиги тўғрисида Иштихон туман ҳокими Ҳ. ШУКУРУЛЛАЕВ номидан расмий жавоб олдик:

**"Шикоятни ўрганиш жараёнида фуқаро Г.Ҳусановнинг "Туркистон" ширкат хўжалиги аъзоси бўлмагани ҳолда у ерда ишлагани ҳамда унга ҳисобланган иш ҳақи тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқлиги аниқланди. Бунга фуқаронинг ўзи ҳам иқрор бўлди.**

**Г.Ҳусановнинг 9 нафар фарзанди борлиги, унинг 1-гуруҳ ногирони экани ва оилавий шароитини ҳисобга олиб, туман ҳокимининг шу йилги қарори билан фуқарога Минглар қишлоғида жойлашган чойхона биносига эгалик қилиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, унга чойхона атрофидаги ер майдонининг бир қисми доимий равишда фойдаланиш учун ажратилди".**

**Журналист суриштируви**

*Таҳририятга телеграмма келди:*

*«Навбатдаги хатим ҳам текшириш учун вилоят идораларига жўнатилибди. Аслида мен ишим вилоятда ҳал бўлмагани учун сизларга шикоят ёзгандим. Ҳокимиятга, судга, прокуратурага мурожаат қилавериб чарчадим. Илтимос, менга ёрдам берсаларингиз... Қулфиддин Тўраев».*

# БИР ҚАРОР АТРОФИДАГИ МАШМАША

Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Н.Мирзаев номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида яшовчи фуқаро Қулфиддин Тўраевни топиш унчалик қийин бўлмади. Суҳбат чоғида таъкидлашича, у кўп йиллардан буён оилавий пудрат асосида ишлаб келган. 2004 йигача 13,5 гектар ери бўлган. Ўша йилнинг бошида уни Қумқўрғон туманлараро судига чақиришиб, ўзига тегишли ер ҳиссадорлик жамияти бошқаруви йиғилиши қарори билан «Саодат» фермер хўжалигига қўшиб берилганини, бу ҳақда туман ҳокимининг қарори ҳам борлигини айтишган.

— Жамият қарори ноқонуний чиқарилган, — дейди Қ. Тўраев. — Демак, менинг ерим қонунга хилоф равишда «Саодат» фермер хўжалигига қўшиб берилган...

Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари И. Айтемировнинг қайд этишича, ариза эгасининг гаплари асоссиз. Ушбу масала юзасидан Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро суди, Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди ва Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, шунингдек, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари тегишли қарорларини чиқарган ва хулосаларини айтган.

Кўриниб турибдики, икки томон ҳам ўзини ҳақ деб ҳисоблайди.

Энди ҳужжатларга мурожаат қиламиз. Қулфиддин Тўраев 13,5 гектар ерда оилавий пудрат асосида деҳқончилик қилиб келган. 2002 йилнинг 7 январь куни ҳиссадорлик жамиятининг ташқи бошқаруви йиғилиши бўлади. Мажлисда «Саодат» фермер хўжалигига қўшимча 46,7 гектар ер ажратиш масаласи кўрилади ва фермернинг талаби қаноатлантирилади. Унга Иброҳим Абдуллаев, Исмоил Абдуллаев ва Қулфиддин Тўраевнинг оилавий пудрат асосида фойдаланиб келган ерлари қўшиб берилади. Бунга пудратчиларнинг кетма-кет уч йил, яъни 1999-2001 йилларда пахта ва ғалла топшириш режасини бажармагани асос қилиб олинади.

Тўғри, «Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси»нинг еттинчи бандида «қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда» ер қайтариб олиниши айтилган. Демак, шу нуқтаи назардан қараганда, қарор тўғри қабул қилинган дейиш мумкин. Лекин масаланинг яна бир томони бор. Шу ишни кўрган Фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорида оилавий пудратчи Иброҳим Абдуллаев ва Исмоил Абдуллаевлар 2000 йилдан бошлаб ижара шартномаси бўйича ишлаб келаётгани таъкидланган. Демак, бу оилавий пудратларда уч йил эмас, икки йил мобайнида ҳосилдорлик даражаси нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлган. Бундан ташқари, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида фермер хўжалигига фақат умумий йиғилиш қарори билан ер бериш мумкинлиги айтилган. Юқоридаги ҳолатда эса ҳиссадорлик жамиятининг ташқи бошқаруви йиғилишида қарор қабул қилинган.

Қарорда бош ҳосилот А.Номозов йиғилишда сўзга чиққани таъкидланган. Аммо у судда ҳиссадорлик жамияти ташқи бошқаруви мажлисида қатнашмаганман, дейди. Хўжалик тафтиш комиссияси раиси Э.Абдураимовнинг таъкидлашича, ўша йиғилишда «Саодат» фермер хўжалигига қўшимча ер бериш масаласи кўрилмаган.

Энди мана бу хатга эътибор беринг:

> **Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раиси Х. Тоғаевга.**
>
> **Қумқўрғон туман Н. Мирзаев ширкат хўжалиги бошқарув кенгаши сиздан Абдуллаев Иброҳим, Абдуллаев Исмоил, Тўраев Қулфиддинларнинг оилавий пудратлари ер майдонларини «Саодат» фермер хўжалигига қўшиб бериш тўғрисидаги 2002 йил 7 январь кунги қарорини Ширкат хўжалиги намунали устави ва «Ширкат хўжалиги тўғрисида»ги Қонун талабларига тўғри келмаслиги сабабли бекор қилишингизни сўрайди...**

Хат тагига хўжаликнинг беш нафар раҳбари — бошқарув раиси Х.Йўлдошев, бош ҳисобчи А.Жўраев, бош агроном А.Номозов, касаба уюшма раиси Р.Бердиев, тафтиш комиссияси раиси Э.Абдураимов имзо чеккан. Улар ўз имзоларини штамп ва гербли муҳр билан тасдиқлашган.

Кўриб турганингиздек, қарор қабул қилганлар ўзларининг ҳаракати қонуний эканлигига шубҳаланишган, лекин суд буни ҳисобга олмаган.

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратсак. Одатда ерни бировга бериш ҳақида хўжалик умумий йиғилиши ва туман ҳокими қарори чиққандан сўнг оилавий пудрат аъзоси билан тузилган шартнома бекор қилиниши керак. Юқоридаги ҳолатда эса ерни «Саодат» фермер хўжалигига қўшиб бериш тўғрисида 2002 йил 7 январь куни хўжалик бошқаруви, 22 июль куни туман ҳокими қарорлари чиққан бўлсада, Қулфиддин Тўраев билан 2002 ва 2003 йил, ҳатто 2004 йил учун ҳам шартнома тузилган. Энг қизиғи, пудратчи 2002 ва 2003 йилларда пахта ва ғалла топшириш шартнома режаларини бажарган.

Оилавий пудратчилар «Хўжалик бошқаруви ва туман ҳокими қарори чиққандан кейин бошқарув раиси Х.Йўлдошев нега биз билан яна шартнома тузди?» деган савол билан Олий судга мурожаат қилган. Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси вазифасини бажарувчи А.Бабақулов бу саволга, 2002 йил 24 июль куни ерни «Саодат» фермер хўжалигига бериш тўғрисида туман ҳокими қарори чиққандан сўнг хўжаликнинг ерга бўлган ваколати тугаган, ваколатсиз шахслар билан тузилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир, деган мазмунда жавоб берган. Ниҳоятда мантиқли жавоб. Лекин хулоса чиқаришга шошилманг.

Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 2004 йил 16 март куни чиқарилган ажримида 2002-2003 йилларни Исмоил Абдуллаев 3 801 197 сўм, Иброҳим Абдуллаев 4 810 618 сўм, Қулфиддин Тўраев 2 071 096 сўм зарар билан якунлагани кўрсатилган. Демак, вилоят суди туманлараро суд ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришда шу далилга ҳам асосланган. Аввало, бизда Қ.Тўраев 2002-2003 йилларни 6 миллион 284 минг сўм фойда билан якунлагани ҳақида ҳужжат бор. Бу ҳужжатга бошқарув раиси, бош иқтисодчи ва бош агроном имзо чеккан. Иккинчидан, уларнинг ери «Саодат» фермер хўжалигига қўшиб берилишига 2002 йилгача бўлган кўрсаткичлар асос қилиб олинган. Шундай экан, нега энди ажримда 2002-2003 йиллардаги кўрсаткичлар келтирилаяпти? Ахир, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси вазифасини бажарувчи А.Бабақуловнинг юқоридаги жавобига асосланадиган бўлсак, бу пайтда оилавий пудратчиларнинг ерга эгалик ваколати тугаган бўлади-ку.

Умуман, ўша режа бажарилмаган йиллар турли ҳужжатларда турлича кўрсатилган. Масалан, туман ҳокими вилоят ҳокимига ёзган хатида, пудратчилар 1999-2000-2001 йилларда режани бажармаган, дейди. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суд қарорида йиллар аниқ кўрсатилмай режа узлуксиз бажарилмагани қайд этилган. Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси вазифасини бажарувчи А.Бабақулов эса шикоятчиларга ёзган хатида, хўжалик ташқи бошқарувчисининг вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосарига ёзган хатига асосланиб, 2000-2003 йилларда режани бажармаганингиз учун ер сиздан олинган, дейди. Буларнинг қайси бири тўғри? Шуниси қизиқки, хатни ёзаётган одамда 2000-2003 йилларда режа бажарилмагани учун қандай қилиб 2002 йилнинг 7 январида акциядорлик жамияти бошқарувининг, 24 июлида эса туман ҳокимининг қарори чиқди, деган савол пайдо бўлмаган?

Ҳужжатлар билан танишиш жараёнида бизда бундан бошқа ҳам саволлар пайдо бўлди: Масалан, 2002 йилнинг 7 январь куни бўлиб ўтган хўжалик бошқаруви йиғилишига нега ери олинадиган оилавий пудратчилар таклиф этилмади? Нега туман ҳокимининг қарори йилнинг боши ёки охирида эмас, ўртасида, айни экинларга ишлов бериш пайтида чиқди? Ахир, кетма-кет уч йил режани бажармаганини оилавий пудратчиларнинг бўйнига қўйиб (ҳақиқатан, кетма-кет уч йил бажармаган бўлса), кейин хўжалик бошқарувининг ва туман ҳокимининг қарорини чиқариш мумкин эди-ку. Шунда пудратчилар норози ҳам бўлмасди, юқори идораларга шикоят ҳам ёзмасди. Иш судларда кўрилмаган бўларди.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

